

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 22 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (11.096)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикаси Президентининг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун шу йил 24-26 февраль кунлари Корей Республикасида бўлади.

Жанубий Корей раҳбарияти билан учрашувларда икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва иқтисодига доир, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама этилади.

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилоятида «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари бошланди.

• Фаллозор саноат касб-хунара коллежиде «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда 30 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес ходимлари, фермерлар, хунарамандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

• Республика болалар кутубхонасида «Ёшлар ва глобал муаммолар» мавзуга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вакиллари, маҳаллалар фаоллари, мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

• «Соғлом авлод учун» фонди ва «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро ташкилоти ташаббуси билан уч нафар ёш бемор болалар Германияга бепул даволаниш учун жўнатилди.

• Навоий шахрининг 17-кичик тумани ҳудудиде янги буюм бозори ишга туширилди. Умумий майдони 3,5 гектарни ташкил этадиган мазкур савдо мажмуиде харидор ва сотувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёпиқ айвон, савдо расталари ва павильонларни ўз ичига олган бозор атрофида 160 та хусусий дўкон қурилди.

• Қашқадарё вилоятида «Камолот» ЁИХнинг вилоят бўлими ташаббуси билан «Йилнинг энг ёш қаҳрамони» номли танлов бўлиб ўтди. Унда таълим, фан, спорт соҳасида юқори натижаларга эришган, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган вилоятнинг кўплаб ёшлари иштирок этди.

• Қўмалқдаги «Аммофос» ОАЖ Ёшлар йили муносабати билан корхонада ишлаётган йилгит-қизларга ижтимоий гамхўрликни ҳар томонлама кучайтирмоқда. Жумладан, корхона томонидан 20 та оилага мўлжалланган ишчилар турар жойи тубдан қайта қурилиб, замон талабларига мослаштирилди. Бунинг учун 100 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди.

• Хонқа тумани марказида янгидан бунёд этилган «Хонқа» кинотеатри иш бошлади. 430 ўринли ушбу кинотеатрда ҳар кун янги кинофильмлар намойиш этилмоқда.

### ЖАҲОНДА

• Кеча Кремлда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакат тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшган космонавтлар, ҳарбийлар, врачлар, олимлар, мусика ва санъат арбобларига давлатнинг юксак мукофотларини топширди.

• Покистон парламентида бўлиб ўтган сайловда Покистон Халқ партияси ғолиб чиқди. Партия етакчиси — террорчилик ҳуруж курбони бўлган собиқ бош вазир Беназир Бхуттонинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардорий ҳукумат раҳбари лавозимига ўтиришдан бош тортган. Покистон Халқ партияси муҳолиф ҳукумат раҳбарлигига бошқа кишининг номзодини қўймоқчи.

• Кеча АКШ Мудофаа кучлари томонидан Тинч океанида учирилган кирувчи жанговар ракета авария ҳолатидаги жосус сунъий йўлдошни портлатиб юборди. Пентагоннинг маълумотига кўра Ердан 247 километр олисдаги мазкур жосус йўлдош парчалари атмосферага кириб келгунича ёниб йўқ бўлиб кетади.

• Кеча Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигидаги ўз хизмат хонасида вазирликнинг уй-жойлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи генерал-полковник Виктор Власов ўз жонига суиқасд қилди. Ушбу иш юзасидан бош ҳарбий прокуратура текширув ўтказмоқда. Шунингдек, ўзини ўзи ўлдиршига олиб келиш моддаси бўйича жиноий иш очилди.

• Италия жанубидаги Калабрия шаҳарчасида гиёвандлик моддаларини етказиб бериш билан шуғулланувчи йирик жиноий гуруҳ раҳбари қўлга олинди. Ушбу хавfli жиноятчи Паскуал Конделло 1990 йилдан бундан кидирувда эди. Уни қўлга олиш чоғида юздан ортик полиция ходими қатнашди.

• Кеча АКШнинг Юта ва Невада штатлари чегарасида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллик зилзила рўй берди. Ер силкениши натижасида вайрон бўлган бинолар бор.

• Кеча Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Олимпия музейида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге 2010 йилдаги ўсмирлар Олимпия ўйинлари Сингапурда ташкил этилишини билдирди.

• Италиянинг Косова мустақиллигини тан олиш муносабати билан расмий Белград ўзининг Римдаги элчисини қақриб олди.

• Жаҳон биржаларида «қора олтин»нинг навбатдаги рекорд даражадаги баҳоси қайд этилди. Хусусан, Нью-Йорк биржаларида нефтнинг бир баррели 101,74 АКШ долларига қўтарилди. Ва каби юқорилаш Европанин қатор давлатлари биржаларидаги олди-сотдиларда ҳам кузатилди.

### ЎТГАН ЙИЛНИ ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН ЯҚУНЛАГАН ҚОРХОНАЛАР ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ИШНИ КЎТАРИНКИ РЎХДА БОШЛАГАНЛАР. ШУНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ — «PGS» ХУСУСИЙ ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЯНАДА КАТТА МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ҚОЛДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.



### ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Иқтисодиёт СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР



Пойтахтимизда бир неча йиллардан буён самарали фаолият юритаётган мазкур корхона аҳли сифатли, кўркам тиббиёт ҳамда озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган, ишлатишда қулай, чиройли дизайнли ҳамда нисбатан арзон нарҳлардаги электр маҳсулотларини нафақат республикамизнинг ички бозорига етказиб бермоқда, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишмоқда.

— Бугунги кунда корхонамиз жамоаси,— дейди «PGS» хусусий корхонаси директори, ташаббускор, изланувчан раҳбар Полянте Свешников,— 20 тадан ортик турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Эътиборли томони, ишчи-хизматчиларимиз янги товарлар яратиш устида доимий изланишда бўлиши билан бирга, аввалги маҳсулотларни янада мукамаллаштириш, янгилик киритишга интилишади. Ўтган йили бошланган ишланмалар асосида жамоамиз жорий йил охири-

гача яна 5-6 турдаги янги харидоригр маҳсулотлар яратишни ўз олдига мақсад қилган.


Шу турдаги хорижда. Ҳамдўстлик давлатларида ишлаб чиқарилган электр асбобларидан фарқли ўларок, кўплаб афзалликлари билан ажралиб турувчи, темир ҳамда сопол қўлланилган маҳсулотлар: кичик новвойхона, минипеч, кўркам калорифер—иситкичлар, қозон, қўра, сандал, тиббиёт кўшеткалари, тандирлар буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Қувонарлики, ушбу корхонанинг ишлаб чиқарилаётган электр маҳсулотларида сополдан кенг фойдаланилади, маълумки у экологик тоза, инсоннинг саломатлигига безарар ҳамда дизеллектр (хавфсиз) ҳисобланади. Шу боис ҳам хусусий корхонанин маҳсулотлари туман, шаҳар ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танлов, ярмаркаларда кўп бор намойиш этилади ва совриндор бўлган.

Умуми меҳнат учун бундай барча шарт-шароитлар яратилган. Ишчи-хизматчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ушбу корхона ўз самарали меҳнати билан бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда изланиш, янгилик яратиш ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг муваффақиятига, бозорда ўз муносива ўрнини топшишида омил бўлишини исботламоқда.

Муҳаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «PGS»  
хусусий корхонаси  
фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов  
олган суратлар



### Кечка сатрларда

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Мурувват уйига Ёшлар йилига бағишлаб Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан кийим-кечак, дори-дармон воситалари тўхфа этилди.

• **КЕЧА** «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Янги таҳрирдиги Солиқ кодекси — тараққиёт омил» мавзусидаги кўргазмали семинар ўз ишнин давом эттирди.

• **РЕСПУБЛИКА** Шойлинт тез тиббий ёрдам илмий марказида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда Германиядан келган кардиолог шифокорлар ҳам иштирок этишди.

• **ШАҲРИМИЗДА** енгил саноат ва тўқимачилик маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Жанубий Корейнинг «Койтек» фирмасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Койтек» фирмаси вакиллари ва ўзбекистонлик мутахассислар иштирокида уюштирилган тadbирда бу борада икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш истикболлари ҳусусида сўз борди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Балдий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Таралим ва мутахассислик» III халқаро кўргазмаси очилди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабда мутафаккир шоир Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг ижодий меросига бағишлаб «Шоҳ, саркарда ва шоир» мавзусида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида тadbир ҳамда «Заковат» беллашуви уюштирилди.

• **КЕЧА** Республика Маъ-

навият тарғибот маркази ташаббуси билан ўрта мактабларнинг она тили ва адабиёти ўқитувчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тadbир 21 февраль — Халқаро она тили кунига бағишланди.

• **ТУРКИСТОН** саройида олий ўқув юртлири жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Қувноқлар ва зукорлар» беллашуви саралаш босқичининг гуруҳ баҳси уюштирилди.

• **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар — келажакимиз пойдевори» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўтказилган «Гиёвандликка йўл йўқ» мавзусидаги Ёшлар йилига бағишланган расмлар кўрик-танлови тасвирий санъат студияси томонидан уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда банклар Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини омонатларнинг миқдорини чекламаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларга қўйиладиган маблағлар манбалари декларация қилинмайд; 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларга қўйиладиган пул маблағлари солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади.

3. Республика банкларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи жисмоний шахслар ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган банклардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сирини ҳисобланадиган бошқа маълумотларни сўраб олиш қатъий тақиқлансин.

Пул қўювчидан пул маблағларининг

келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа аxbоротларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш ноқонуний деб ҳисоблансин, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонун ҳужжатларига мувофиқ: пул қўювчи жисмоний шахслар банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хоҳишларига кўра ва чекловларсиз тасарруф этишлари мумкин; банклар жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар ҳусусида банк сирини сақлашни қаролатлашлари шарт;

банк сирини ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошкор этгани ёки учинчи шахсларга бергани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органлари, банклар, мансабдор шахслар томонидан банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлиқ Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 20 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда «Банк — миқоз учун, миқоз банк учун эмас» тамойили асосида банк тизими тубдан ислох қилинди ва либераллаштирилди.

Хозирги кунда республикада 30 га яқин банклар фаолият юритмоқда. Миқоз ўзи банк танлаш, пул маблағларини бир неча банклардаги ҳисобварақларида сақлаш ва ўз маблағларини, қаерда жойлашганидан қатъий назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эгадир. Бугунга келиб мамлакатнинг барча минтақалари ва аҳоли пунктларида тижорат банкларининг 8 мингдан ортик филиаллари ва бўлинмалари миқозларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётганини айтиб ўтиш kifof.

Агар Россия Федерацияси ва Қозғистондаги банк муассасаларининг ҳар бирига 20 мингдан зиёд аҳоли тўғри келса, Ўзбекистонда — 5 минг киши, яъни ривожланган мамлакатлардагига деярли тенг (тахминан 4 минг киши) тўғри келади. Банкларнинг бундай кенг қўллами тармоғи мамлакатнинг бутун аҳолисини банк хизматлари билан тўлиқ таъминлаш, унинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).





Oila davrasida

Мулоҳаза

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛанаДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жаҳияти тубдан ислоҳ қилиш, аҳолини эски мафкура ҳамда ғоялардан ҳалос этиш, улар онгига эркинлик, мустақиллик, демократиянинг мазмуни-моҳиятини сингдиришга киришди. Бунда юртимизда ўзини-ўзи бошқариш тизимининг жорий қилиниши алоҳида аҳамиятга эга...

Назм

БОҒУ БЎСТОНЛАР БИЛАН
Юртимиз кўксин безангиз, боғу бўстонлар билан
Минг шифо берай сизга уя, дори дармонлар билан
Севингиз, қадр айлангиз, ҳар гуна ҳар ялғирини
Мадҳини куйланг юракдан, шеҳру дostonлар билан
Гуқараб қулф урсини мисли баҳордек қишу ёз
Хуенга қисун маҳиб, нозли жононлар билан
Дилга жо айланг номини, шикда ёйсун юрак
Яшнатинг хур кўксини кўркам гулистонлар билан
Покиза сарҳадларини сақлагимиз кўз қаби
Ўзбеки, Тожик, Қозок, дусту қадридонлар билан
Эл фаровон, юрт фаровон, Раҳматий ошди дийр
Пок тутармиз туғрунни, шу шарин жоилар билан

КЎПНИ КЎРГАН ВА БИЛИМДОН БИР КИШИ ЖАМОА АҲЛИ ҲУЗУРИДА ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАРНИ ГАПИРИБ, УЛАРДАН САБОҚ ОЛИШЛИКНИ СЎРАБДИ. ОРАМИЗДА, — ДЕБ СЎЗ БОШЛАБДИ У, — ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОРКИ, ОБИЗЛАРГА НИМА КЕЛСА ТАП ТОРТМАЙ НАЙЗА КАБИ ОТИБ ДИЛНИ ТИЛКА-ПОРА ҚИЛАДИЛАР. УЛАРНИНГ СЎЗЛАРИ ШУНЧАЛИК АЧЧИККИ КИШИНИ БАМИСОЛИ ИЛОН ЧАҚАНДЕК ЗАҲАРЛАЙДИ.

Мана шундай тарзда киши қалбини дардада қалитирганлардан бири Жоҳил она лақабини олган аёл бўлиб, ҳақорат қилишликнинг устаси экан. У тирноқ ичидан кир қидириб ва ўз-ўзиндан шовқин-сурон кўтариб дуч келган одамга ташланаркан. Кечқурун жимгина ухлаш ўрнига ягона ўғли, келини ва невараларини қоралаб: — Сен аҳмоқлар атрофидида гирди капалак бўлиб юриш ўрнига, ўзларингнинг ишларин билан ўралашиб юрасизлар. Менинг обрўйим ва қадр-қимматим шу бўлдики? Ахир мен онаман-ку, қош-қовоғимга қараб ва мослашиб юришларинг лозим эди».

Ҳаёт сабоқлари КЎНГИЛ СОВИМАСИН

Бу хонадонда фақат мен ярқираб ва яшнаб юришим даркор. — Онажон! Ҳар хил ўринсиз даъволарни қилиб ўзингизни қўп қийнаманг. Шўр ва дуо қилиб, невараларингизни бағрингизга босиб тарбияласангиз яхши бўларди.

— Сен хали менга йўл-йўриқ кўрсатадиган бўдингми? Яхши овозингни ўчир. Сендақа бевафо ва виждонсиз ўғилдан воз кечдим. Ўғил бошини эгган ҳолда онанинг таъналарини индамай эшитиб чиқиб кетибди. Жоҳил онанинг шовқин-суронига қараб ва мослашиб юришларинг лозим эди».

— Онажон! — дебди ўғли, — сизнинг сўзларингизни ҳеч қачон икки қилмай, сўраган нарсаларингизни дарҳол олиб бермоқдаман. Қарағашларингизни ҳам индамай эшитиб, кўнглингизни олишга ҳаракат қилимоқдаман-ку.

— Онажон! Сизни ҳам ажайиб қиймлар билан яратдим-ку. —Хотининг ва болаларинг мендан кўра арзон ва сифати паст қиймларни қийиши керак. Уларни мен билан тенглаштириб, бошимни ерга қаратдим.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИҚМАТЛАР

Ўзи буюрмоққа ўрганган киши Қийин бошқаларга қулоқ солиши. Ким агар ўсибди нозу неъматда, Холи оғир бўлар қолса қулфатда.

Агарда муаллим бўлса беозор, Болалар синфни қилишар бозор.

Кириминг бўлмаса, чикимни тўхтат, Қайиқчилар қуйлар шундай бир қўшиқ; Агар тоққа ёмғир ёғиб турмаса, Бир йилда Дажла ҳам бўлар қўп-қуруқ.

Орзуга етишган бахтиёр нечун Қаро кун гамида чекади алам? Шодлик-ла еб-ичиб, яша, эй дилкаш, Эртанги кунни деб бугун чекма гам!

Паст нодон мастликда ўйламас асло Не кечар аҳволи йўқлик кунинда. Баҳорда барги мўл дарахтарлар ночор — Яланғоч қолар қиш изгиринида.

Ўғлига отаси қилди васият: «Бахтиёр болам, қуй қуллогинга панд — Ўз элига вафо қилмаган киши На севилими бўлур ва на донишманд».

Агар бўлмас экан фазлу хунар ҳеч, Библи бўлмас одамми, нақши девор. Бисот, мол қўлга киргизмоқ хунармас, Қўлингдан келса, бир дил овла, эй ёр!

Зули ила халк терисин шилган ўшал ҳожига Менинг нодондан бориб, икки оғиз сўз дегин: «Сен ҳожи эмас, балки ҳожи эрур бу туянг, Чунки тикан овкати, кўтарар одам юкин».

Буюрмас ақллик киши ҳеч маҳал Тамизсиз қишига муҳимроқ бир иш: Бўйра тўқинган ҳам тўқуви, лекин Қўлидан келарми ипак иш тўқиш.

Бировга сир айтиб, сақла дегандан, Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъқул. Ариқ тошиб кетса, боғлар бўлмайдилар, Сувни ёнғ бошидан қайтарган маъқул.

Икки киши адоватин ўт десак агар, Ўтин ташиб турувчида бадбахт ивгоғар. Қайта тотув бўлишганди бу икки кўнгул, У бўлади бахти қаро, шарманда, хижил.

Дўст-ла сўзласанг ҳам бўлгил аҳтиёт, Душман қулогига етмишмасин, боқ. Девор ичра ҳар не десанг, хушёр бўл, Девор орқасида бўлмасин қулоқ.

Қўлдан келган ҳамма чорадан кейин Қўлга қилиш оланг, раво бўлади.

Ишонмагил маддох, сўзамолларга, Заррача нафъ учун сени мадҳ этар. Бир кун мурудин ҳосил этмасанг, Киши юздан ортиқ айб санаб кетар.

Бир аҳмоқ ашакни сўзга ўргатмоқ — Бўлиб, сарф айларди қўп вақту қўп куч. Бир донишманд деди: «Таънага қолма, Эй аҳмоқ, беҳуда уринишдан кеч.

Кимки андишасиз сўзласа жавоб, Сўзи эътиборсиз, чекар изтироб. Ё ўйлаб сўзлагил инсон мисоли, Ё жим туравер ҳайвон мисоли.

Зог билан бир бўлса булбул кафаси, Не ажаб, ичига тушса нафаси?

Донони шарманда қилдим-ку, дея, Фурруга берилмиш мактанчоқ нодон. Билмаски, ногора овози доим «Ҳижоз» қуйин босиб кетади осон.

Дондан бир панду насихат сўрдим, Дедик: «Нодонга қўшилма ҳечам. Агар доно бўлсанг, аҳмоқ бўлсанг, Йўқса, нодонлигинг ортар яна ҳам».

Лутф этган кишининг хоки пойи бўл, Дағалик қилса, соч қўзига тупроқ. Дағал қишларга юмшоқ гапирма, Занг арчолмас эгов бўлганда юмшоқ, Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

TV SCHEDULE: DUŞANBA, 25 (Ўзбекистон, Россия, Спорт, ТВ3); ЧОРШАНБА, 27 (Ўзбекистон, Россия, Спорт, ТВ3); СЕШАНБА, 26 (Ўзбекистон, Россия, Спорт, ТВ3).



Давоми. Боши 3-бетда.

16.15 «Таранг»... 17.00 «Давринг боласи»... 17.50 «Боллар табасуми»...

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Тошкентда латифа»... 8.35, 18.50 «Камила»...

Спорт

7.00 «Бодро уторм»... 8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар»...

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Добро утро»... 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 20.25... 21.00 «Ахборот»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

«Крепыш»

8.30 «Крепыш»... 8.55, 15.00 «Симбирский»... 9.00, 12.30, 19.00 «Сериал «Моя прекрасная няня»»...

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильми... 9.15 М/ф «Получе войско»... 9.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Сарай жавоирини»... 7.35, 15.15 «Ўртин бўйлаб»...

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!»... 8.50, 14.40 «Тень звезды. Фанаты»... 9.45, 11.45 «Сериал «Гражданин начальник»»...

«НТВ»

6.00 «Сегодня уторм»... 9.00 «Наше утро»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня»...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат цирки
ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
Бутун февраль ойи давомида СИЗЛАР учун Тошкент циркининг етакчи артистлари иштирокда катта ранг-боранг дастур намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари «СУВДАГИ ЦИРК»

2008 йил 21 мартдан 1 апрелгача
Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари «СУВДАГИ ЦИРК»

2008 йил 21 мартдан 1 апрелгача
Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари «СУВДАГИ ЦИРК»

Бош муҳаррир Акмал АҚРМОВ
Манзиллими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.